

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ИННОВАЦИОН-ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Каримов Музаффар Абдумалик ўғли

Андижон давлат университети доценти, и.ф.ф.д (PhD), мустақил изланувчи.

E-mail: karimov8993@umail.uz

Тел: +998911706958

Аннотация: Уибу мақолада олий таълим тизимида инновацион бошқарувни инновацион-интеграциялашув тамойили асосида такомиллаштириши бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, давлат олий таълим муассасалари қўйшига таълим дастурларида таҳсил олаётган талабаларнинг давлатлар кесимидағи сони тўғрисида маълумот ҳамда Университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилган.

Калим сўзлар: инновацион стратегия, билимларни шакллантириши сектори, контекст, модел, қўйшига таълим дастури, инновацион-ташкилий, инновацион-иктисодий.

I. КИРИШ

Жаҳонда иқтисодиёт тармоқлари билан бир қаторда таълим тизимини рақамлаштириш, рақамли инновацион технологиялар асосида таълимни ташкил этиш, иқтисодий механизмларини оптималлаштириш, таълим тизимини бошқарувида инновацион стратегияларни фаоллигини ошириш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш, таълим тизимиға инновацион бошқарувнинг самарадор усусларини татбиқ этиш, инновацион фаолиятни механизмлар асосида ривожлантириш, инновацияларни бошқаришнинг самарали тизимини ташкил этиш, инновацион таълим натижадорлиги, инновацион ривожлантириши ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириши давр талаб этмоқда. Олий таълим тизимида амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда таълим тизимида инновацияларни қўллашни рағбатлантириш, инновацион-ташкилий ва инновацион-иктисодий ривожланиш стратегияларини жорий этиш, таълимдаги инновацион бошқарув тизимини ташкилий ва иқтисодий жиҳатдан такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш долзарб илмий йўналишларидан ҳисобланади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида ОТМларнинг инновацион фаолиятини тартибга солиш воситалари ва механизмларини модернизация қилиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

1. ОТМлар давлат ва бизнес ҳамкорлигини ташкил этиш асосида фан, техника ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қўллаб-куватлаш.
2. ОТМ тараққиётнинг энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун "билимларни шакллантириш" секторининг мақсадли йўналишини кучайтириш.
3. Ишбилармонлик муҳитида инновацион фаолият қўламини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш.
4. ОТМларда самарали инновацион тузилмани яратиш.

5. ОТМларда инновацион салоҳият оширишни жадаллаштириш.

ОТМларда инновацион сиёсатни шакллантиришда нафақат инновацион жараёнларнинг умумий стратегик йўналишларини белгилаш ва зарур механизмларни яратиш яратиш, балки инновацион фаолиятни тўғридан-тўғри ва билвосита тартибга солиш воситаларидан унумли фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд.

Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида рўй берадиган глобаллашув, халқаролаштириш ва рақамлаштириш узоқ тарихга ва чуқур илдиз отган ижтимоий институтларга эга бўлганлар учун ҳам ривожланишнинг янги моделларини излаш ва қўллашни талаб қиласди. Ушбу ё‘налишда ҳар қандай муассасадан кўпроқ иқтисодий билимлар яратиш, узатиш ва улардан фойдалана олиш қобилиятини акс эттирадиган олий таълим муассасасини трансформация қилишга алоҳида эътибор берилиши зарур. Шу муносабат билан мамлакатимизда ва хорижда доимий равишда олий таълим муассасасини ривожлантириш механизимлари ва усуслари тўғрисида илмий изланишлар олиб борилади. Изланишлар олиб борилаётган тадқиқотларла олий таълимни замонавий даражасини белгиловчи “Университет 3.0” ва “Университет 4.0” моделларига ўтишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган трансформациялар шароитида университетларнинг илмий-инновацион ривожланишини бошқариш ёндашувларини таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Тизимда амалга оширилаётган ўзгаришларда изчилликни таъминлаш, шунингдек, янги амалиётларни орттирилган тажриба билан оптимал тарзда бирлаштиришга имкон беради.

Олий таълим тизимида “Университет 1.0”, “Университет 2.0”, “Университет 3.0” ва “Университет 4.0” моделларини тадқиқотчилар томонидан ўрганилаётгани, оммалашгани, тадқиқотчилар ва турли даражадаги илмий-инновацион сектор вакилларининг университетлар инновацион-интеграциялашув марказлари сифатида ривожланиши кераклиги аён бўлмоқда. Бугунги кунда “Университет 3.0” ва “Университет 4.0” моделлари бўйича тадқиқотлар натижасида олий ўқув юртларининг “Университет 3.0” ёки “Университет 4.0” моделига ўтиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва стратегик режалар асосида бошқарувни ташкил этиш борасидаги илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бироқ, бу борада ўрганилиши лозим бўлган илмий ва илмий-услубий ишланмалар, бошқарувнинг ўзига ҳос тамойиллари ҳамда ёндашувларини тадқиқ этиб, инновацион механизmlарни таклиф этиш зарурати туғилмоқда.


Олий таълим тизимида инновацион бошқарувнинг ташкилий жиҳатдан ҳамда иқтисодий ҳиҳатдан ўзига ҳос механизmlарини ишлаб чиқиш, инновацион мухитни шакллантириш ва уни самарали бошқариш мақсадида олий таълим тизими бошқарувига “инновацион-интеграциялашув” ёндашувини тамойил сифатида таклиф этиб, тадқиқ қилиш ва тизим бошқарувини такомиллаштиришда “инновацион-интеграциялашув” тамоилини фаоллигини таъминлаш мақсад қилиб олинди.

Дунёning етакчи мамлакатлари олий таълим тизимида аллақачон амалиётда ишлаётган ва ва талим тизими ривожланаётган мамлакатларда тадқиқ этилаётган “Университет 1.0”, “Университет 2.0”, “Университет 3.0” ва “Университет 4.0” моделлари бугунги кунда мамлакатимизда ҳам аксарият ОТМларда “Университет 1.0” ва “Университет 2.0” моделидан “Университет 3.0” моделига ҳамда Янги Ўзбекистон шароитидаги олий таълим муассасалари “Университет 4.0” моделига ўзиш зарурати намоён бўлмоқда.

Мутахассислар “Университет 3.0” моделини умумий хулосаси бўйича дунёни ўрганувчи, лойиҳа ишларини олиб борувчи ва янги амалиётларни яратувчи олий таълим муассасаси сифатида тушунишади. Ундаги таълим жараёни ҳаракациз бўлишдан тўхтайди. Бунда стандарт ўқув курслари тез эскиради. Университет 3.0 моделида синфхоналар, кутубхоналар ва лабораториялардан ташқари, бизнес-инкубаторлар, технопарклар, лойиҳа офислари ва ташқи вакиллар билан алоқа қилиш учун маҳсус платформалар мавжуд. Бироқ бу анча “структурали” нуқтайи назар бўлиб, у бу ҳолда олий таълим муассасасини бошқариш тизими қандай ривожланиши кераклиги ҳақидаги саволга ҳали ҳам жавоб бермайди.

II. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Илмий тадқиқот ишида ўрганилилгандек, хорижий ОТМлар инновацияларни илмий лабораторияларда, технопаркларда амалга ошириш, ва интеграциялашув жараётнларини корхоналар билан амаога ошириш, яъни университет ва корхона ўртасидаги ўзаро алоқа механизми жадаллашгандир (1-расмга қаранг).



1-расм. Университет ва корхоналарни ўзаро интеграцион таъсир механизми [1]

Ушбу механизмда аксарият университетлар ва корхоналар ҳамкорликнинг потенциал афзалликларини тан олмайдилар. Лекин, Темпус тадқиқоти шуни кўрсатадики, бу ҳамкорликнинг асосий натижаси барқарор иқтисодий ўсишга қаратилган бўлиб, бу инновацион ғоялар ва юқори малакали кадрларга рақобатбардош талабни мутаносиб равишда оширади.

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат ОТМ сифатида фаолият юритаётган ўқув юртларининг бошқарувининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш

бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ОТМнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан чамбарчас боғлиқ. ОТМларининг иқтисодий салоҳиятини ва инновацион фаоллигини ошириш орқали бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида замонавий бошқарув механизмларни ОТМларга жорий қилиш ҳамда бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. ОТМларининг иқтисодий салоҳияти ҳамда инновацион фаоллигини ижобий таъсир доирасини максимал ошириш орқали тизим бошқарувини инновацион оптималлаштиришни таклиф этиш зурур. Бу эса бугунги кундаги замонавий ОТМларини иқтисодий кўрсаткичларини оширишни талаб этиб, оптимал бошқарувга интилиш учун мотив бўлиб хизмат қиласди.

Методология нуқтайи назаридан таълим икки даражага бўлинади: контекст ва модел. Биринчи даражадаги замонавий олий таълимнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақиқати ва ижтимоий ривожланиш тушунчаларининг стратегик тизимлари таҳлил қилинади ва ушбу тизимлар бошқарув сиёсати контекстида университетнинг умумий ўзгаришларини намойиш этади. Ушбу даражада методологик воситалар сифатида институционал тизимларнинг ривожланиши, маданий ва тарихий эпистемология ва аксиология элементларининг ижтимоий-иқтисодий таҳлил қилиш усуллари қўлланилади. Университет 3.0 тавсифи контекстни таҳлил қилиш босқичида аниқланган асосий хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ моделлар тўплами сифатида иккинчи даражада қурилган. Бунда институтлараро ўзаро таъсирни ижтимоий-иқтисодий симуляция қилиш усуллари ва инновацион жараёнлар назарияси, маданий ва тарихий қайта қуриш, институционал тизимлар ва ижтимоий ҳаракатларнинг структурал-функционал таҳлили қўлланилади.

III. НАТИЖАЛАР

Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларини ривожлантиришнинг янги модели, аввало, барча турдаги фаолиятни ҳар томонлама ва доимий равиша амалга ошириш ҳамда ташқи муҳитнинг турли субектлари билан самарали алоқалар ўрнатишга имкон берувчи олий таълим муассасаларининг ташкилий-иқтисодий бошқарув тузилмасидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва бу борада изим бошқарувида инновацион-интеграциялашув тамойилида бошқарув тизимларини шакллантиришни талаб қиласди.

Мамлакатимизда олий таълим тизимида интеграциялашув жараёни жадал равиша ривожланиб бормоқда, маҳаллий ОТМларнинг нафакат маҳаллий таълим муассасалари ёки иқтисодиёт тармоқларидағи корхоналар билан, балки хорижий ОТМлар билан интеграцион амалиётини фаол деб баҳолаш мумкин. Бугунги кунда маҳаллий ОТМларда хорижий ОТМлар билан интеграциялашув муносабатлари асосида қўшма шартномалар, ҳамкорлик меморандумлари, талаба алмашинуви, ҳусусан қўшма таълим дастурлари асосида икки олий таълим муассасасида таълим олиш амалиётлари таўкил этилган. Хусусан, 2024 йил бошига республикамизнинг 67 та олий таълим муассасаларида 27 та хорижий мамлакатларнинг 220 та олийгоҳлари билан 410 та қўшма таълим

дастурлари асосида ўқув жараёни ташкил этилган. Ушбу дастурларда 9 800 нафардан ортиқ талабалар таҳсил олмоқда (4.3.1-жадвалга қаранг).

Олий таълим муассасаларида қўшма таълим дастури асосидаги ўқитишни ташкил этишга қизиқишининг ортиши натижасида 2022/2023 ўқув йилида ажратилган қабул параметрлари (7 827 та ўрин) 2018/2019 ўқув йилидаги квоталарга (1 130 та) нисбатан 7 бараварга ошган. 2022/2023 ўқув йилида республика бўйича қўшма таълим дастурларига 3034 нафар абитуриентлар хужжат топшириб, улардан 1602 нафари талабаликка қабул қилинди.

ОТМларда амалга оширилаётган қўшма таълим дастурларининг асосий қисми Россия Федерацияси ва Беларус Республикаси олий таълим муассасалари ҳиссасига тўғри келади. Россия Федерациясининг 85 та олий таълим муассасаси билан республиканизнинг 46 та олийгоҳлари ўртасида йўлга қўйилган 209 та қўшма таълим дастурларида 6 005 нафар, Беларусь Республикасининг эса 24 та университетлари билан Ўзбекистон Республикасининг 41 та олий таълим ташкилоти ўртасида амалга оширилаётган 119 та қўшма таълим дастурлари бўйча 3 353 нафар кадрлар тайёрланмоқда.

1-жадвал

Давлат олий таълим муассасалари қўшма таълим дастурларида таҳсил олаётган талабаларнинг давлатлар кесимидағи сони тўғрисида МАЪЛУМОТ

№	Ҳамкор ОТМ жойлашган давлат	Жами талабалар сони	Махаллий ОТМ таҳсил олаётган талабалар сони	Ҳамкор ОТМ таҳсил олаётган талабалар сони
1	Россия Федерацияси	5772	3259	2513
2	Беларусь Республикаси	2218	1076	1142
3	Австрия	288	288	0
4	Буюк Британия	25	25	0
5	Германия	27	12	15
6	Жанубий Корея	134	38	96
7	Индонезия	338	320	18
8	Исроил	77	77	0
9	Италия	3	3	0
10	Қозогистон Республикаси	184	62	122
11	Литва	10	10	0
12	Малайзия	145	59	86
13	Польша Республикаси	130	55	75
14	Тайланд	17	17	0
15	Туркия	39	37	2
16	Латвия	45	27	18
17	Хитой Халқ Республикаси	40	20	20
18	Франция Республикаси	206	203	3
19	Ҳиндистон	21	0	21
20	Чехия Республикаси	15	15	0
21	АҚШ	2	0	2
22	Болгария	19	0	19

23	Венгрия	4	4	0
24	Қыргызистон Республикаси	24	24	0
25	Тожикистон Республикаси	131	12	119
	Жами	9914	5643	4271

Таълим тизимидағи интеграциялашувнинг қўшма таълим шаклидаги ушбу амалиётида бугунги қунда таълим жараёнларини бошқарувида бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни инновацион-интеграциялашув асосидан бартараф этилиши лозим. Юзага келаятган айрим камчиликларни қўйидагиларда кўриш мумкин:

Таълим тизимидағи қўшма таълим дастурлари тўғрисида, таълим даври, шакли ва ҳамкор ОТМларда таҳсил олиши бўйича маълумотлар тўлиқ берилмаганлиги ёки талабгорларни тўлиқ тушунмаганлиги;

Кўшма таълим дастурларида таълим олаётган талабаларга ўқишини кўчиришдаги имкониятлар чеклаб қўйилганлиги уларнинг шароитларини ҳисобга олган ҳолда ўқишини маҳаллий дастурларга қўчиришга тўскинлик мавжудлиги;

Кўшма таълим дастурларида таҳсил олаётган талабаларнинг аксарияти ҳамкор хорижий олий таълим муассасаси таълим тилини билмаслиги;

Айрим ҳолларда қўшма дастурлари иқтисодиёт тармоқлари учун муҳим бўлган ёки давлат олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш имконияти мавжуд бўлмаган таълим йўналишлари бўйича ташкил этилмаганли ва шу каби айрим масалаларни келтириш мумкин.

IV. МУҲОКАМА

Олий таълим тизими бошқарувида халқаро интеграцион алоқаларда юзага келаётган айрим муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 6-июлда “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 421-сонли қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурларида таълимни ташкил этиш ва уни бошқариш юзасидан айрим камчиликларни бартараф этишга доир бир қанча вазифалар белгиланган. Кўшма таълим дастурларида иқтисодиёт тармоқлари учун зарур билимли кадрлар тайёрлашни самарали ташкил этиш бўйича қўйидагилар таклиф этилади:

1. Қўшма таълим дастурлари асосида ўқиш истагини билдирганabiturientlar ва уларнинг ота-оналарини белгиланган тартиб ва шартлар билан тўлиқ танишитириш ишларини ташкил этиш.

2. Қўшма таълим дастурларини халқаро рейтинг ташкилотларининг мингталик рўйхатига кирган ёки нуфузли салоҳиятга эга бўлган хорижий олий таълим муассасалари билан ташкил этишни йўлга қўйиш.

Шунингдек, қўшма таълим дастурларини иқтисодиёт тармоқларидағи аниқ эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда юқори технологик йўналиш ва мутахассисликлар бўйича таълим йўналишларида амалга оширилишини ташкил этиш.

3. Тегишли олий таълим муассасаларида ҳамкор олий таълим муассасаси таълим тили бўйича хорижий тилга ўқитиш курсларини ташкил этиш ҳамда талабаларни тилни билиши даражасини ошириш.

4. Талабаларни ўз аризасига кўра ўзи таҳсил олаётган маҳаллий олий таълим муассасаларидағи мос йўналишга Давлат тест маркази томонидан амалга ошириладиган имтиҳон асосида ўқишини кўчиришга руҳсат бериш.

Хорижий ОТМларда интеграциялашув амалиёти обектлари сифатида ташкилий-бошқарув блокини маъмурий-бошқарув тузилмалари, инновацион маркетинг хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар, ахборот-маслаҳат марказлари, бозор инфратузилмаси, молия-кредит ташкилотлари, яхлит тузилмалар ва технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари, венчур ташкилотлар ва ҳамкор бошқа корхоналар ташкил этади. Бунда иқтисодий блок нарх, кредит, молиявий, солиқ ва суғурта тутқичлари орқали ишлайди. ОТМларни интеграцион обёктлари билан алоқаларни молиявий асосларини давлат дастурлари, инвестициялар, лизинг операциялари, давлат кредитлари ва бошқалар ташкил этади. ОТМ интеграциялашувининг ҳуқуқий блокини инновацион университетни ривожлантиришни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, қарорлар, низомлар, буйруқлар ва кўрсатмалар билан ифодаланади. Иқтисодий-молиявий ва ҳуқуқий блоклар, уларни ташкили тузилмалари илмий таъминот, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва бюджет ресурсларидан фойдаланишни таҳлил қилиш ҳамда назорат қилишни ўз ичига олган элементлар ва таркибий қисмлар билан ўзаро боғланган.

V. ХУЛОСАЛАР

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айrim норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” [3] ги 489-сонли қарорига мувофиқ қўйидаги вазифаларни қўйидаги вазифаларни бажаради:

- олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш.

- вазирликнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги айrim норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 489-сонли қарори 3-боб. Вазирлик ва унинг тизимидағи ташкилотларнинг вазифалари ва функциялари 1-параграфида белгиланган.

2. Умумий ўрта ва профессионал таълим – олий таълим муассасалари билан инновацион интеграцияга киришишда асосий вазифаси олий таълим муассасаларига ўқуш учун талабгорларни тайёрлаш ва бу жараёнда ўзаро ҳамкорлик инновацион интеграцияга киришади.

3. Билимларни мустаҳкимлаш маркази Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қошидаги марказ.

4. Дуал таълим - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 январдаги “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”[3] ги 14-сонқарорида белгиланган вазифалар ва бошқа норматив хужжатлар асосида ОТМ билан инновацион интеграцияга киришади.

5. Ихтисослашган корхоналар – Дуал таълимни ва инновацион ҳамкорлик таълимини ташкил этиш мақсадида ОТМлар ва ихтисослашган (ОТМ йўналишлариган ихтисослашган) корхоналар ўртасида турилган шартномалар асосида инновацион интеграцияга киришади.

6. Венчур ташкилотлар - ОТМ билан янгича ёндашувларни тажрибадан ўтказиш ва қўллаш ҳамда лойиҳалар ҳамкорлиги асосида инновацион интеграцияга киришади.

7. Илмий ва инновациялар маркази – ОТМ билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”[4] ги 545-сон қарорида белгиланган вазивалар бўйича инновацион интеграцияга киришади.

8. Хорижий ҳамкор ОТМлар – маҳаллим ОТМлар билан ўзаро шартномалар асосида ва шартномаларда белгиланган вазифалар асосида инновацион интеграцияга киришади.

9. Рақамли шаҳар (Дигитал ситӣ) – ОТМлар билан таълимга оидан маълумотларни услуксиз алмашинишиш асосида инновацион интеграцияга киришади.

10. Иқтисодиёт тармоқлари – ОТМлар билан интеграцияга киришишнинг комплекс шакли бўлиб, бунда барча иқтисодиёт соҳа ва тармоқлари ташкилотлари билан инновацион интеграцияга киришади. Ушбу интеграцион амалиётдан кутилаёган энг асосий натижаларнинг бири бу ОТМлар иқтисодиёт тармоқларига инновацион ва интелектуал кадрларни тайёрлаб беради.

VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ан Алексей Евгеньевич: Инновационная деятельность университетов как основа формирования научной экономики. ст. -96.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 8 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновацийалар вазирлиги фаолиатини тартибга солиш сонасидаги айrim норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 489-сонли қарори // <https://lex.uz/docs/7054560>

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 16 уанвардаги “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 14-сонқарори

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Илмий ва инновацион фаолиуатни бошқариш тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 545-сон қарори

5. Н.Қ.Йўлдошев, Ш.А.Мирсаидова, Й.Д.Голдман. Инновацион менежмент. Дарслик. Тошкент-2011.

6. С.Ғуломов, F.Қосимов, Д.Холмирзаева, С.Саидахмедов. Стратегик ва инновацион менежмент. Тошкент-2013.

7. Ибрагимов И.У. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш (Наманган вилояти мисолида). Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент – 2019, 33 б.